

КОРХОНА КУНИ

2017 йил 12 апрел куни «Daewoo Textile» МЧЖ марказий офис биносининг олдида Корхона ташкил бўлганининг 21 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Корхона президенти, жаноб Ким Ил У табрик нутқи билан иштирок этиб, ишчи-ходимларни Корхонанинг 21 йиллиги билан табриклади, шунингдек, барча ишчи-ходимларга мashaққатли меҳнатлари учун миннатдорчилик изҳор этди.



Корхона Президентининг тантанали нутқи:
Ассалому алайкум! Хурматли ДЭУ Текстил
корхонасининг ходимлари!

Авваломбор, шу кунгача бир оила булиб корхонамиз учун меҳнат килган барча ишчи ходимларига чин калбимдан миннатдорчилик билдириб, сизлар билан корхонамиз ташкил этилган кун хурсандчилигини бирга баҳам кўрмокчиман!

Шу йилдаги 8 Апрель - корхонамиз ташкил топган кунини Бухоро фабрикаси билан бир тану, бир жон булиб биринчи марта нишонлаш ундан ҳам қувонарли деб ўйлайман. Ушбу кун Фарғона ва Бухоро фабрикалари биргаликда ўтказаётган биринчи катта тадбирдир!

Энди ДЭУ Текстиль деган бир ном остида Фарғонада иккита йигирув фабрикасидаги 180 мингта урчук, иккита туқув фабрикасидаги 311 туқув дастгоҳи ва Бухорода битта йигирув фабрикасидаги 60 мингта урчук қўшилиб Ўзбекистоннинг энг йирик текстил корхонасига айландик.

Режалаштирганимиздек, ERP тизимларини бирлаштириш (интеграция) ишлари муваффақиятли якунланди, ҳамда бирлашишдан сўнг экспорт ҳажмини ошириб, маблағлардан самарали фойдаланганлигимиз ўз натижасини кўрсатмокда. Келажакда ҳам, бир корхона ва умумий оила эканлигимизни хис қилиб, бунданда кўпроқ ҳаракат қилишимиз талаб этилади.

2017 йилда сизларга ваъда берганимдек ходимлар учун шароитларни яхшилаш мақсадида, Фарғона йигирув ва туқув фабрикасининг хожатхона ва ечиниш хоналарини қайта таъмирлаш, ҳамда Тошлоқ ва Қумтепа фабрика ошхоналарини қайта таъмирлаш ҳамда таомлар сифатини яхшилаш каби ишлар режалаштирилмоқда. Шу билан бирга Бухоро фабрикасида фавворалар барпо этиб, уларнинг атрофида янги хордик чиқариш жойи қурилишини ҳам ўз олдимизга мақсад қилиб кўйганмиз.

Хурматли ДЭУ Текстил ходимлари, Корхона раҳбари сифатида сизлардан қўйидагиларни сўраб қоламан:

- Биринчидан, ҳар бир офис ва ишлаб чиқариш бўлимлари ўз олдига кўйган максадларига, албатта, эришиши керак;
- Иккинчидан, мақсад сари бирдамликда, ҳамкорликда, қатъият билан олға бориш;
- Учинчидан, корхона раҳбариятининг топшириклари бўлим бошликлари томонидан ходимларга тўғри ва тушунарли етказилиши зарур;

Юкорида айтилганларни ҳар доим ёдда тутиб юклатилган вазифани чин дилдан ва садокат билан бажарашингизни сурайман. Сотув, Ҳарид, Режалаштириш, Изланиш ва Тадқикод бўлимлари ва ишлаб чиқариш фабрикалари ҳамкорликда бир тану бир жон булиб барча қийинчиликларни енгиб утишимизга ишонаман.

Корхонамизнинг 21 йиллиги муносабати билан барча юксак маҳоратга эга устоз-мутаҳассисларимизга, барча ишчи-ходимларга, қолаверса, шу тадбир ташкилотчилариға чуқур миннатдорчилик билдириб қоламан!

Тадбир давомида Корхона Президенти энг илғор ва самарали меҳнат кўрсатган ходимларни тақдирлади.

"Daewoo Textile" Корхонасининг равнақига 20 йил мобайнида қўшган қимматли хиссаси, шунингдек ўз вазифасига масъулият билан ёндошиб, Корхона ривожланиши йўлида 20 йил давомида кўрсатган ҳолис хизмати учун 17 нафар ходим 1 200 000 сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирландилар.

7 нафар илғор ходимлар Президент томонидан Фаҳрий ёрликлар ва Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб (Тошкент – Самарқанд–Бухоро–Ҳива) саёҳат йўлланмаларини олишди.

Корхона ривожи учун ўз хиссасини қўшган, ўз вазифасини халол ва фидокорона бажарган, меҳнатсевар 25 нафар ходимларни Корхона Президенти Фаҳрий ёрлик ва 250 000 сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирлади.

Барча корхона ходимларига эса, Кохонанинг 21 йиллиги муносабати билан эсадалик совғалар – озиқ-овқат учун мулжалланган пластик контейнерлар тақдим этилди.



